Жуда характерли бир мисол келтираман. Ёзда Краснодар ўлкасидаги «Кубань» совхозида бўлдим. У ерда ўртоқ Максимов директорлик қилади. у ўз ишини яхши биладиган, маълумотли киши, агроном. У билан бирга далаларни айланиб юрар эканман, биласиларми, шундай пайтда кишининг бахри очилиб кетади, ҳамма жойда намунали тартиб ўрнатилган. Яхши ҳосил учун ўртоқ Максимовга ва бошқа ходимларга миннатдорчилик билдирдим. Кейин бу хўжалик тўғрисида маълумот беришни сўрадим ва украин латифасидаги бир кишининг ахволига тушиб қолдим: латифада бир киши товар сотиб олади ва гумашта уни ҳакорат қилади. Гумашта уни курка деб атайди. Бундан хафа бўлган киши уйига қайтади. Хўкиз кўшилган аравада икки кун юради. Кейин гумашта уни ҳакорат килгани эсига тушиб колиб, яна икки кун йўл юриб орқасига кайтади. Келиб гумаштага: мен курка эмас, сенинг ўзинг курка деб айтади. **(Кулги, қарсаклар).**

Шунга ўхшаш мен ҳам хўжалик тўғрисида маълумот олганимдан кейин «орқага бур» демокчи бўлдим. Лекин афсуски, мен машинала эмас, вагонда кетаётган эдим бўлмаса ўртоқ Максимовнинг олдига қайтиб борган бўлар эдим. **(Залда кулги).** Сўзиддан кейин унга гапимни айтдим — у съезд делегати эди.

Совхозда ҳосил ҳақиқатан ҳам яхши. 1961 йилда совхоз ҳар гектаридан 36 центнердан бўғдой 30 центнердан арпа, 19 центнердан сули, 47 центнердан маккажўхори дони 31 центнердан беда (пичан), 31 центнердан судан ўти (пичан) олди.

Ана шундай ҳосил билан экинларнинг ҳар гектаридан қуйидаги миқдорда озуқа бирлиги олинган: маккажўхоридан — 6270, кузги бўғдойдан — 4260, арпадан — 3620, сулидан—1940, кўп йиллик ўтдан — 1630 озуқа бирлиги.

Кўриб турибсизки, самаралиги жиҳатидан маккажўхори ва кузги бўғдой биринчиликни эгаллаган. Демак экин майдони жиҳатидан ҳам булар биринчиликни эгаллаши лозим. Аммо «Кубань» совхозида бошқа экинларга нисбатан маккажўхори ва бўғдой майдонининг салмоғини кўриб чиқайлик.

1961 йилда совхозда экин майдонларининг структураси қуйидагича бўлди: ҳайдаладиган ерларнинг ҳаммаси — 13 минг гектар, дон экинлари — 7406 гектар ёки 56 процент; шу жумладан кузги бўғдой 2587 гектар ёки 19 процент; дон учун экилган маккажўхори — 2100 гектар ёки 16 процент; озуқабоп экинлар — 4629 гектар ёки — 35 процент. шу жумладан ўтлар — 3865 гектар ёки 29 процент.

Кубандаги кора тупроқли ерларнинг деярли учдан бир қисмини ўтлар билан банд қилиб қўйиб фақат 19 процентига бўғдой ва 16 процентига маккажўхори экишни тўғри деб бўладими?

1960 йилда «Кубань» совхозида ҳар 100 гектар ерга 291 центнер сут, 65 центнер ғўшт (сўйилган вазнда) етиштирилганлиги тасодифий эмас. Совхоз ҳар юз гектар ҳисобига 10 та сигирга эга. Жуда бой ерларга эга бўлатуриб, «Кубань» совхози ўтган йили давлатдан 38 минг центнер аралаш ем сотиб олди!

Эндиликда бундай аҳволга чидаб турib бўладими? Йўқ, мумкин эмас. Ер — халқ бойлигидир ва ундан ҳар ким ўзи хоҳлаганича фойдаланишига йўл қўйиш мумкин эмас. **(Қарсаклар).**

Бу йил кубанликлар олдига бориш ва улар билан очиқ-ойдин гаплашиш имкониятига эга эмаслигимга афсусланаман. Кубань ерлари бизнинг гавҳаримиздир. бу ерларда бир йилда икки марта ҳосил олиш мумкин ва кўпгина хўжаликлар шундай қилмоқдалар.

Менимча ўртоқ Максимов ўз хатосига тушуниб олди ва ҳозир ишини қайта қуримоқда. Ҳа, масала ҳудди шундай кўйилмоқда: ёки ишни қайта куриб ол ёки жойни бўшатиб кўй. Бошқача бўлиши мумкин эмас, чунки ердан хўжасизларча фойдаланишга бундан бўён токат килиб бўлмайди. Мен бу билан пуписа қилаётганим йўқ. Ўртоқлар. Халқ манфаатлари шуни талаб қилмоқда.

Афсуски, хатто колхоз ва совхозларга намуна кўрсатиши, улар учун тавсиялар ишлаб чиқиши лозим бўлган илмий-муассасаларда ҳам экин майдонларининг структураси ҳамиша ҳам намунали деб бўлмайди.

1961 йилда Красноярск қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтининг хўжалигида ҳайдаладиган ерларнинг 34 процентига. Сибирь қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтида (Омск шаҳри) 26 процентига. Сибирь чорвачилик илмий-текшириш институтида 25 процентига бўғдой экилган.

Бу институтларда одатда бутун экин майдонида бўғдойга нисбатан ўт экиладиган майдонлар салмоғи катта эканлигини айтиб ўтмай бўлмайди: Сибирь қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтида ўт экилган ерлар 39 процентни, Красноярск институтида 31 процентни. Сибирь чорвачилик институтида 26 процентни ташкил қилади. Бу — деҳқончилик ўт алмашлаб экиш системасининг амалда қўлланилаётганлигидир.

Сибирь қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтининг директори ўртоқ И. В. Зезин ушбу кенгашда сўзга чиқиб, ўз хўжалигини бошқаларга машъал бўлмоқда деб айтди. Ўртоқ Зезин, мен сизнинг нутқингизни тўлдириб ўтмоқчиман. Ҳамма сизнинг хўжалигингиз каби «машъал» бўлса ва ерларнинг 39 процентига ўт экиб қўйса, бундай тақдирда биз каёққа борамиз? Бундай «машъаллар» бизга қайси йўлни кўрсатишмоқда? Улар қояли йўлларни кўрсатишмоқда, ўртоқлар, қояли йўлларни! **(Қарсаклар).**

Мен ўт экишни бутунлай тўхтатиб қўйиш керак деб гапираётганим йўқ. Хўжаликда қандайдир бир миқдорда беда ва йўғичка бўлиши керак. Лекин ақлга сиғадиган миқдорда бўлсин. Беда ва йўғичқадан пичан уни тайёрлаш яхшироқдир. Бу мақсадга муваффиқроқ бўлади.

Қуйидаги фактни эсламай ўта олмайман. Бир неча йил муқаддам бу ерда, Новосибирскда бўлганимда ўз имкониятларидан яхши фойдаланаётган хўжаликни бориб кўрмоқчи бўлдим. Менга Барабин чўлидаги Гандичевский совхозини бориб кўришни тавсия қилишди. Совхозга келдик. Совхоз далаларини айланганимизда кўк ем сифатида молларга бериш учун ўриб қўйилган жовдарни кўрдик: бўйи бир ярим метр келади, бошоғи ҳам катта, яхши жовдар. Кеч келганда айтиб ўтай, бу Сибирнинг айрим районларида кузги жовдар яхши ҳосил беришини кўрсатади.

Келишимиз биланоқ, директорнинг кабинетига кирдик. Совхоз ишчилари менга хат топширишган эди. Унда ишчилар: ўртоқ Хрушчев, эътиборингизни шунга жалб қилмоқчимизки, бизда жовдар яхши етилади, энди сут катик бўлаётганда директор бу жовдарни ўрдиртирib юборди, деб ёзишган эди.

Обком секретари директорни энг яхши кадрлардан деб ҳисобларди. Мен унинг фамилиясини унутиб қўйибман, шу ерда ўтирган эмасмикин? Эҳтимол ҳандайдир бир институтда кишиларни хўжаликни барбод қилишга ўқитаётгандир. **(Залда жонланиш).**

Ундан сўраб қолдим: ўртоқ директор, хўжалигингизда қайси экинни энг фойдали, энг серда-ромад экин деб ҳисоблайсиз? Кўнок — деб дарҳол жавоб берди у. **(Залда жонланиш).**

— Нима учун кўнок фойдали экин?

— Ўртоқ Хрушчев, кўнок— ўтдир, давлат мендан ўт олмайди **(Кулги, залда жонланиш).** Агар донли экинларни эксам давлатга дон сотишга тўғри келади.

Ўртоқлар, бу гапларни коммунист айтди. У дон етиштиришдан қўрқиб жовдарни ҳам ўриб юборган, жовдар эса дон берарди, яхши дон берарди. Лекин у вақтда доннинг бир қисмини давлатга сотишга тўғри келарди.

Ана шундай коммунистлар ҳам учраб туради. Партияда бундай коммунистлар канча кам бўлса, партия учун шунча яхши. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Сибирь —баҳори бўғдой етиштириладиган жуда катта райондир. Ҳолбуки, экинлар структурасида бўғдойга жуда кам жой берилган. Агар Олтой ўлкасида ҳайдаладиган ерларнинг 65 процентига бўғдой экилган бўлса, бошқа областларда бундан ҳам оз: Новосибирск областида 47 процент, Омск областида 46 процент, Тюменда 42 процент, Красноярск ўлкасида 40 процент Иркутск областида 35 процент, Кемерово областида 32 процент, Томск областида 26 процент ерга бўғдой экилган.

Масалан, Кемерово областидаги ерларга нима экилган деган савол туғилади. Экин майдонининг 32 процентига бўғдой, 13 процентига сули, 10 процентига арпа, 10 процентига маккажўхори, 18 процентига ўт экилган. Шундай қилиб, қанча ерга бўғдой экилган бўлса, шунча майдон ўт ва сули билан банд қилиб қўйилган.

Сибирдаги ўлкалар ва областлар бўғдой экилган майдонлар салмоғи камлиги сабабли ҳар гектар ер ҳисобидан кам дон сотмоқдалар. Ўртоқлар, биз хўжаликни сермаҳсул қилиб бошкариш ўлчови сифатида ҳозир ҳар гектар экин майдонидан сотиладиган маҳсулотни эмас, балки ҳайдаладиган ерларнинг ҳар гектаридан сотилиб-диган маҳсулотни ўлчов қилиб олишимиз керак.

Овозлар: Тўғри. **(Қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев: Шундай қилиб-сак айрим раҳбар, масалан, 10 минг гектар ҳайдаладиган ер бўлатуриб 100 гектарига бўғдой экади, гектаридан 20 центнердан ҳосил олади; биз эса унга қарсак чалишимиз керак бўлади. У доим оқиллар каторида бўлади **(Кулги, қарсаклар).** Ҳақиқатда эса уни жазолаш керак. Ўртоқлар бундай нормал бўлмаган аҳволни тугатиш керак шундай кўрсаткичларни белгилаш лозимки унда раҳбарнинг хўжаликни бошкаришдаги маҳорати, билими ва ақли ойпадаги каби акс этиб турсин.

Мана, қаранглар, нималар бўлмоқда. 1961 йилда ҳайдаладиган ерларнинг ҳар гектаридан: Олтой ўлкасида 3,7 центнер. Иркутск областида 3,3 центнер. Красноярск ўлкасида 2,5 центнер. Тюмень областида 2.5 центнер Омск областида 2,4 центнер. Новосибирск областида 2,2 центнер. Кемерово областида 1,7 центнер. Томск областида 1,5 центнер дон сотилди. Бу, биласизларми, обком секретари ва область ижроия комитетининг раиси учун кулча нон килиб ейишга етади, холос. Ўшанда ҳам бутун йил охиригача етмайди. **(Кулги, қарсаклар).**

Бу биз учун тўғри келмайди ўртоқлар. Маҳсулот етиштириш планларини ва олган мажбуриятларимизни бажаришга жиддийроқ муносабатда бўлишимиз лозим. Коммунистик қурилишнинг улуғвор Программасини белгилаб берган партия XXII съезди бўлиб ўтди. Халқ съезд қарорларига ишонади. Программамизга ишонади. Саноат сохасидаги топширикларимиз бажарилади, бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Қишлоқ хўжалигига келганда эса, чет элдаги айрим арбоблар белгиланган планларнинг бажарилишига шубҳаланмоқдалар. Қишлоқ хўжалигида ишлаётган коммунистлар ҳозир ўз ишларини қайта қуришлари ва қишлоқ хўжалигимизнинг имкониятларини кўрсатишлари керак.

Ўртоқлар! Коммунизм — халқ учун ҳамма маҳсулотларнинг мўл-кўлчилигидир. Мамлакатимизда маҳсулотларнинг коммунистик мўл-кўллигини вужудга келтириш плани 20 йилга мўлжалланган. Иккирма йил — бизнинг давримизга ҳам узоқ, ҳам яқин муддатдир. Ҳозир фан шунчалик ривожланмоқдаки у янги кашфиётлар билан бизни бойитиши, олга қараб қилаётган ҳаракатимизни, айниқсе саноат сохасидаги ҳаракатимизни тезлатиши мумкин. Қишлоқ хўжалигимиз ҳам катта резервларга эгадир.

Ҳозир фақат чақириклар, билан чегараланиб қолиш мумкин эмас. Айрим нотиқ трибунага чиқаркан: «Ўртоқлар, XXII съезд бу ана ундай съезд. съезд мана бундай қарор қилди... қандай қарорлигини ўзларингиз биласизлар... бу тарихий съезд. унинг қарорлари тарихий...» деб вайсай бошлайди. Кишилар бундай нотиқнинг сўзларини тинглаб турадилар ва: тарихийлик билан бошимизни котирма **(кулги)** яхшиси тарихийлиги нимадан иборатлигини айтиб бер, дейишади.

XXII съезд қарорлар қабул қилди, биз, барча коммунистлар, партиямиз бошчилигида бораётган ҳамма кишилар бу қарорларда ёзиб қўйилган нарсаларни амалга оширишимиз лозим. Нима ёзиб қўйилган бўлса—бу пландир. Планни эса меҳнат билан ҳакиқатга айлантириш керак! **(Қарсаклар).**

Ҳар бир колхозда, ҳар бир совхозда новаторлар тажрибасини ўрганайлик ва жорий қилайлик

Мен бу ерда кенгаш қатнашчиларининг сўзларини тингладим. Уларнинг ҳар бири ўз ишининг моҳир устасидир. Сизлар деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам меҳнатнинг жуда кўп ажойиб намуналарини кўрсатмоқдасиз. Энди буларнинг ҳаммасини ўрганиш қолди, холос! Бу йил маккажўхорини парвариш қилишда янгилик киритилганлиги, кишилар сўтаси билан маккажўхори олиш учун курашаётганлиги мени айниқса мамнун қилди. Маккажўхори экиш сизнинг фикр-зикрингизни банд қилиб олибди. Энди иккинчи босқич тўғрисидаги масала — қандай қилиб ундан мўлроқ, сўтаси билан сифатли ҳосилроқ ҳосил етиштириш тўғрисидаги масала турибди. Мен ўртоқ А. Г. Лисичниковнинг нутқини эўр эътибор билан тингладим. Ахир, ўртоқлар, Чита — иқлими совуқ ўлка, ўртоқ Лисичников бўлса бу йил гектаридан 1225 центнердан маккажўхори олди, бу қаҳрамонликнинг ўзи-ку! Бу — бизнинг совет кишимизнинг ақлидроки зўр, маданияти юксак экан

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Охири. Боши 1 ва 2-бетларда).

Энди, ўртоқ Т. С. Мальцев, сизнинг хўжалигингиз тўғрисида бир оз гапирмоқчиман. Хўжалигингиз — яхши хўжалик. Менинг шахсан сизга ва сизнинг ютуқларингизга бўлган муносабатимни биласиз. Менинг таклифимга мувофиқ сизнинг хўжалигингизда Бутуниттифоқ семинари ўтказилган эди. Сиз, бир оддий деҳқон катта ютуқларга эришдингиз, тажрибаларингиз қимматли. Лекин айбни яшириннинг нима ҳожати бор. Ойда ҳам доғ бор деганларидек, сизнинг ҳам камчилигингиз бор. Мен худди шу ҳақда сўзламоқчиман.

Мен партия съездида бир қанча қурғоқчилик районларда афтидач унча-мунча қора шудгорга эга бўлишга тўғри келади деган эдим, ҳозир ҳам шу фикримдан қайтмайман. Бу, қора шудгорни инкор қилаётган ўртоқ Наливайко билан мен бахслашяпман деган маънони билдирмайди. Йўқ, мен у билан бахслашмайман. Агар мендан қандай деҳқончилик системасининг тарафдорисиз деб сўрашса, мен аниқ қилиб, Олтой институти системасининг тарафдориман дейман.

Ўртоқ Наливайко қизиқарли сўзлади, экинларни чопиқ қилиш системаси қора шудгор қилиш системасига нисбатан кўпроқ иқтисодий фойда келтиришини кўрсатди. Сизларнинг ҳаммангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз деб ўйлайман. Лекин ҳозир кимки, ўткинчи звено сифатида соф қора шудгорга эга бўлишни хоҳласа, қаршилик кўрсатмаймиз. Лекин ўртоқлар, мен хўжаликни соф қора шудгорсиз яхши, самарали бошқарган кишиларни мақташ ҳуқукини ўзимда қолдираман. Хуллас, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча прогрессив усулда ташкил этган кишиларга умид боғлайман.

Ҳозирги вақтда кўпгина колхоз ва совхозларнинг 15-20 процент соф қора шудгори бор. Агар ана шу шудгорларга маккажўхори ва бошқа озуқабоп қимматли экинлар экилса, қанчадан-қанча ем-хашак ва гўшт олиш мумкин бўлур эди. Конкрет тарзда ўртоқ Мальцев хўжалигини олиб кўрайлик. Колхозда жами 8300 гектар қайдаладиган ер бор. 1500 гектари ёки 18 проценти соф қора шудгор.

Шудгор қилиб қўйилган ана шу ерларга маккажўхори экиладиган бўлса қанча гўшт олиш мумкин бўлур эди? Гарчи, сиз ўртоқ Мальцев, айрим участкаларда гектаридан 700 центнергача ҳосил олган бўлсангиз ҳам, гектаридан 300 центнердан маккажўхори ҳосили олинди деб, фараз қилайлик. Гектаридан 300 центнердан ҳосил олинганида бир гектар маккажўхоризор — бу 6 минг озуқа единицаси ёки гектаридан 60 центнер озуқа единицаси демакдир. Гектаридан 60 центнердан озуқа единицаси олиш — сўйилган ҳолда 4 центнер гўшт етиштириш имконини берадиган озуқага эга бўлиш демакдир.

Агар 1500 гектар шудгорга маккажўхори экилса, 6 минг центнер мол гўшти ёки колхозда қайдаладиган майдонларнинг юз гектарига ҳисоблаганда сўйилган ҳолда 72 центнердан гўшт етиштириш имконини берадиган озуқа олиш мумкин.

Фан билан практика Сибирда чопиқ қилинадиган экинлар экиш йўли билан алмашлаб экиш анча самарали эканлигини исботлади. Лекин, келинг, ҳозир кенг ишлаб чиқариш шароитида буни текшириб кўрайлик:

Мен Целиноградда ўртоқ Наливайконинг сўзини эшитдим. У бегона ўтларга қарши курашнинг самарали усулларини далил исбот билан тавсия қилади. Унинг таклифининг моҳияти — ерни барвақт шудгорлаб, кўклам келганда эса қорақўза ўсиб чиқадиган пайтда ерни экиш олдидан культивация қилишдан иборатдир.

Шимолий Қозоғистон тажриба станциясининг агрономи ўртоқ Юмагулов қорақўза босган далаларда улар вико-сулини аралаштириб экканликларини айтди. Баҳорда қорақўзани ўстириб туриб, кейин бир неча марта культивация қилинади ва ўсиб чиққан қорақўза йўқ қилинади. Июнь ойининг биринчи ўн кунлигида вико-сули аралаштириб экилади ва гектаридан 300 центнердан, ҳатто ундан ҳам зиёдроқ кўкат олинади. Вико-сули аралашмаси бугдойдан олдин экиладиган яхши экиндир. 1961 йилда соф қора шудгорга экилган баҳори бугдойнинг гектаридан 22.1 центнердан, қора шудгор қилинган жойда эса (вико-сули аралашмасидан кейин) 21.8 центнердан ҳосил олинди.

Агар шу мантиққа бундан кейин амал қилинадиган бўлса, у ҳолда афтидан, маккажўхоридан чопиқ қилинадиган экин сифатида қорақўзага қарши курашда фойдаланиш мумкин бўлади. Гап шундаки, баҳорда то маккажўхори экиш бошлангунча одатда бирмунча вақт бўлади ва ана шу вақтдан тупроқни экиш олдидан ишлаш даврида, кейинроқ эса қатор ораларини культивация қилиш даврида бегона ўтларни йўқотиш учун фойдаланиш мумкин бўлади.

Кенгаш вақтида айрим ўртоқлар ўз тажрибаларига таяниб туриб, колхоз ва совхозларга мана бундай усулни ҳам синаб кўришни тавсия қилдилар. Баҳорда ўсиб чиққан қорақўза тугатилгандан кейин нўхат экилади. Нўхатнинг ривожланиш даври қисқа бўлади, ва донн ҳам гез етилади. Шундай қилиб, қорақўза ҳам тугатилади, дон ҳам олинади.

Бегона ўтларга қарши кураш, ўртоқлар, ҳозир катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам мен колхозларнинг ва совхозларнинг раҳбарларига, мутахассисларга бегона ўтларга қарши курашнинг илмий тадқиқот институтлари, илғор колхоз ва совхозлар практикаси ишлаб чиққан усулларини ўрганишни тавсия қилган бўлур эдим. Гап умуман бегона ўтларга қарши кураш тўғрисида эмас, балки қорақўза, бўзтикан, саломалайкум ва шунга ўхшаган бегона ўтларга қарши кураш тўғрисида кетяпти. Бегона ўтларга қарши курашнинг конкрет хўжаликлардаги, мана масалан, Олтой қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтидаги тажрибаларини ўрганиш муҳимдир. Чунончи, бу ерда бўзтикан мана бу тарзда йўқотилади. Албатта ер барвақт чукур шудгор қилиб қўйилади. Кўкламда ўт босган ерларга нўхат ёки вика экилади. Бу экинлар барвақт, ер етилиши биланоқ экилади. Нўхат ёки вика июнь ойининг ўртасидаёқ гузук кўкпоя беради. Ана шу экинлар пичанга йиғиштириб олингандан кейин гупроқ ишланади, шу тариқа бўзтикан тугатилади. Саломалайкумга ўхшаш бегона ўтлар экилган экиннинг уруғи то униб чиққунча ерни бороналаш йўли билан тугатилади.

Бу ерда Красноярск қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтининг директори ўртоқ Белозеров сўзга чиқиб, Сибирда кузги жавдар ўстириштаги тажрибасини ўртоқлашди. Бироқ, у жавдарни қора шудгорга экишни таклиф қиляпти. Вико-сули аралашмасини баҳорда экиб, уни пичанга йиғиштириб олгандан кейин гупроқни кузги жавдар экишга тайёрлаб қўйиш яхши бўлмасмикин. Бу соф қора шудгор қилиб ўтирмасданоқ қорақўзани гупроқни вика экишга тайёрлаш вақтидаёқ йўқотиш имконини беради.

Сибирнинг турли районларида кузги жавдар экишни кенгроқ синаб кўриш керак. Равшанки, мен сизларга қатъий тавсия бераётганим йўқ, лекин синаб кўриш керак бўлади. Бу ерда Новосибирск областидаги Гутовский совхозидан чўчқабоқар ўртоқ Н. И. Белаш сўзга чиқди. У ҳам озуқа учун кузги жавдар экаётганлигини айтди. Демак, жавдар қишлаб чиқади, модамики қишлаб чиқар экан, демак пишиш ҳам мумкин. Шу ерда кўпдан яшаб келаётган кишилар илгари Сибирда кузги жавдар кўп экилар эди деб тасдиклашяпти. Ўртоқлар, қаерга жавдар экиш мумкинлигини ўзингиз қараб чиқиб, ўша жойга жавдар экинг. Жавдар экиш хўжалик учун фойдалидир. Биз экиш даврида ва ҳосилни йиғиштириб олиш даврида дала ишларининг жуда қисталанг келиб қолишидан анча қутулган бўлур эдик.

Бу ерда сўзга чиққан ўртоқлар селекция ва уруғчилик тўғрисида гапирдилар. Мен уларнинг фикрини қувватлайман. Селекционерлар мақтовга ва габриклашга арзигудек меҳнат қилдилар, улар қишлоқ хўжалик экинларининг ажойиб сортларини яратдилар. Лекин, бизда уруғчилик системаси ҳали ҳам эскича олиб борилмоқда. Биз кўпинча сифатсиз уруғларни экамиз. Колхоз ва совхозларда уруғчиликни қатъият билан яхшилаш керак.

Курган областидан механизатор ўртоқ А. Н. Висипков кенгашда сўзга чиқиб, донни машинани юқори гёзлинка юргизиб, йиғиштириб олиш тўғрисидаги қизиқарли тажрибасини айтиб берди. Мутахассисларимиз бу тажрибани эътибор билан ўрганмоқлари керак. Ҳозирча мен ҳосилни йиғиштириб олишнинг жадал усулига тааллуқли бирон фикр айтишга қийналаман. Лекин шу нарса равшанки, ўрим суръатларини тезлаштириш зарур, бироқ қандай йўл билан: ўрим-йиғим машиналарининг тезлигини ошириш йўли биланми, ёки жаткаларнинг қамраб олиш кенглигини кучайтириш йўли биланми — буни ўйлаб кўрмоқ, муҳокама қилмоқ даркор. Биз Қўриқ ўлкада ўн метргача қамраб оладиган кенгликдаги янги жаткани кўрдик. Бу жатка донни оддий усул билан ўриб олиш пайтида меҳнат унумдорлигини бир неча баравар оширади, донни янчишни қезлаштиради. Такрор айтаманки, у усулни ҳам, бу усулни ҳам ўрганмоқ керак.

Кенг қамраб оладиган жаткалар Қозоғистоннинг қўриқ ерларида ўз тажрибаларини ўтказмоқда. Бу ерда ҳосилнинг 50 процентини ўриб олиш мумкин. Агар бундай озуқа ўт берадиган молларга берилса, у ҳолда сўтасини ҳам, кўпроқ ҳам бирга қўшиб силос қилиш керак бўлади.

Мен Олтой қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтида бўлганимда маккажўхорининг дон учун эрта пишар «воронежская-76», «воронежская-80» сортларини ва «буковинский-2» гибридини кўрдим. Бу ердаги кенгашда кўп кишилар маккажўхорининг пишган сўтасини намойиш қилиб кўрсатдилар. Менда: агар Олтойда ҳам, эҳтимол, Сибирнинг бошқа баъзи жанубий районларида ҳам маккажўхори уруғлари етиштирадиган хўжаликлар вужудга келтирсак нима бўларкин? деган фикр туғилди. Уруғликни саралайдиган заводлар, сушилкалар қуриб, маккажўхори уруғлари етиштириш ишини мустаҳкам саноат негизига қўйилса. Бу ҳар бир колхозда ва совхозда уруғлик етиштиришга қараганда анча яхшироқ бўлади.

Менга Курган областидаги мактабларнинг ўқувчилари етиштирган маккажўхорининг пишган сўталарини беришди. Бу — жуда яхши. Маккажўхори — чорвачиликни юксалтириш учун қурашда қудратли қурол. Агар бизнинг қўлимизда маккажўхори бўлмаганида чорвачиликни қандай қилиб юксалтирардик? Сули билан юксалтирармидик? Йўқ, ҳисоблаб кўринг. Тўқ тутадиган озуқа бўлиш жиҳатидан маккажўхорига тенг келадиган сули етиштириш учун уни қанча гектар ерга экишга тўғри келарди. Маккажўхори экмай туриб, бизга Америка билан мусобақалашиш қийин. Ҳозир эса маккажўхоридек қуролимиз борлиги учун биз шундай мусобақага дадил киришмоқдамиз. Совет Иттифоқининг ҳамма ерида маккажўхори ўстирилиши мумкин, фақат у ҳамма ерда қуруқ дон бўладиган даражада пишмайди. Бизга эса қуруқ дон учун пишиши керак ҳам эмас. Маккажўхори ўзининг сифатини барча районларда ишлаб намойиш қилиб кўрсатмоқда. (**Қарсаклар**).

Кенгаш катнашчилари маккажўхорини парваришлаш ва уни йиғиштириб оладиган комбайнлар ҳамда бошқа техникаларни келтиришни кўпайтиришни тўғри галаб қилдилар. Эндиликда колхозлар ва совхозлар маккажўхорини йиғиштирадиган комбайнлар бўлмаса, ишни уддалай олмайдилар, чунки улар озуқа етиштиришни кўпайтиришлари, маккажўхори экиладиган майдонларни кўпайтиришлари керак. Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш ва зарур техника билан таъминлаш керак. (**Қарсаклар**).

Бу ерда нўхат ва дуккакли экинлар тўғрисида кўп гапиришди. Мен нўхат табиат бизга туҳфа қилган экин деб ҳисоблайман. Сизнинг шароитингизда нўхат юқори ҳосил беради. Иркутск областидаги «Годовшчина Октября» колхози (раиси ўртоқ С. Г. Блинов) бу йил гектаридан 21.4 центнердан, Омск областидаги «Шуховский» совхозининг бўлими эса (бошқарувчиси ўртоқ И. Т. Володев) гектаридан 24 центнердан нўхат олди.

Нўхат баҳорикор ерлардан ўзига кенг ўрин олиши зарур. Мен Целиноградда сўзлаган нутқимда галла экинлари экиладиган тахминий структурани — 50-55 процент буғдой ва 20-25 процент нўхат бўлишини айтган эдим. Лекин бу шаблон эмас, албатта, ҳар бир хўжалик бу экинларнинг нисбати қандай бўлишини ўзи ҳал қилиши керак.

Хашаки дуккакли экинларга келганда шуни айтиш керакки, бу ерда сўзга чиққан агроном ўртоқ Н. И. Чеканова бу экиннинг ажойиб куйчисидир. Мен унинг нутқини тўртинчи марта қониқиш билан тингладим ва афтидан, тагин эшитсам керак. Чунки, айтиб қўяй, ўртоқ Чеканова, сизни бошқа жойларга ҳам такليф қилишади. Чунки сизнинг лекцияларингиз кўп кишиларга зарурдир. Тўғри, бу лекциялар босиб чиқарилган. Лекин мен Целиноградда бўлган вақтимда лекцияларингизни ўқиб чиқмаган совхозлар трестининг директорини учратдим. Аммо, нима ҳам қилиб бўлади. У кишисизнинг лекциянгизни эшитибдию, лекин ҳеч нарса эсида қолмабди ҳатто фамилияси ҳам хотиримдан кўтарилибди дейди. Ҳар хил кишилар бўлади: бир хил кишилар лекторларнинг сўзини тинглаб ўтирадилар, бошқалари эса шу вақтда ухлаб ўтирадилар. (**Хушчақчақлик**).

Сизларда, Сибирда хашаки дуккакли экинларни етиштириш соҳасида яхши тажриба бор. Олтой ўлкасидаги Чистюнский совхозидан ўртоқ П. Х. Романюк бригадаси бу йил гектаридан 26.7 центнердан ловия, Прут совхози механизаторларидан А. Е. Головков ва шу ўлкадаги Боровский совхозидан П. И. Брютов ўртоқлар гектаридан 23 центнердан зиёдроқ. Омск областидаги Шимолий Любинский совхозининг механизаторлари Д. Х. Вернер ва И. М. Хоробрих ўртоқлар 24 центнердан ловия ҳосили олдилар.

Мен озиқ-овқат учун ҳам ва ем учун ҳам дон бўладиган экин сифатида, афтидан, сизнинг Сибирь ерларингиз шароитида нўхатни ўстириш яхшироқ бўлади деб ҳисоблайман. (**Қарсаклар**). Нега? Нўхатнинг ривожланиш даври қисқа бўлади, нўхат ловияга нисбатан эртароқ пишади. Бу эса сизлар учун жуда муҳимдир. Нўхатни механизация воситаси билан йиғиштириб олиш ҳам ўнғайроқ.

Аммо, дуккакли экинлар хашаки экин сифатида, силос қилинадиган экин сифатида ғоят қимматлидир. Шунинг учун бирон ерда хўжаликларни дуккакли экинлар экиш ишини ёмонлаш, ёки ловия ва нўхатнинг ўрнини сунъий қўшимчалар ишлаб чиқариш ишини ёмонлаш ҳеч ким ҳеч ким ҳеч ким

ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ РЕЗЕРВЛАРИ

Юқори Чирчиқ районидаги „III Интернационал“ колхозининг аъзолари чинозлик пахтакорлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, келгуси йили ҳосилдорликни кам деганда 30 центнерга етказишга аҳд қилдилар

Суратларда: (чапдан) «Меҳнат бирлик» участкасининг бригада бошлиғи Холбуви Қосимова, колхоз рансининг механизация бўйича ўринбосари Василий Яковлевич Скворцов, бош агроном Йўлдош Умаров, 2-бригада бошлиғи Ғаффор Носиров, 6-бригаданинг илғор теримчиси Ойдин Жусанбоева, 1-участка механиги Ғани Каримов ўртоқлар.
Ш. Шорахмедов фотолари.

ВАТАНГА КЎПРОҚ ПАХТА БЕРИШ—БУ́РЧИМИЗ

Ниёзмат НИШОНБОЕВ,
колхоз ранси.

1959 йили «Меҳнат бирлик» колхози бизнинг хўжалигимизга кўшиб юборилди. Колхозимизнинг пахта майдони 1160 гектарга етди. Шундан кейин бизда бу участкада ҳосилдорликни кескин даражада ошириш чораларини кўра бошладик. Мутахассисларимиз, новаторларимиз қолоқликнинг сабабларини синчиклаб ўргандилар.

Маълум бўлишича, айб ерда, сувда, об-ҳаво шароитида эмас, ишнинг кўзини билиб иш қилмасликда экан. Хўжаликнинг раҳбарлари кейинги йилларда ернинг қадрига етмай қўйишибди, пахта етиштиришда агротехника тадбирлари, комплекс механизация кўнгилдагидек амалга оширилмапти, алмашлаб экишга риоя қилинмапти.

Биз бу участкага алоҳида эътибор билан қарай бошладик. Участка ва бригадаларга ишбилармон, тажрибали кишиларни бошлиқ қилиб тайинладик.

Бу тадбирлар бир йилдаёқ ўз самараларини кўрсатди. **1960 йили, гарчи об-ҳаво шароитлари пахтачилик учун ноқулай келган бўлса ҳам, Меҳнат бирлик участкасида гектар бошига 20,5 центнердан ҳосил олинди. Бир йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорлик 8,5 центнерга ошди. Колхоз бўйича 21,2 центнердан ҳосил кўтарилди. Шу йили планимизни 105 процентдан ошириб бажардик.**

Пахтачилик соҳасида бу йил қўлга киритган ютуқларимиз айниқса қувончли бўлди. **Пахтакорларимиз 1103 гектар майдоннинг ҳар гектаридан мажбуриятдаги 25 ўрнига 26,3 центнердан ҳосил ундиришга муваффақ бўлдилар.** Давлатга шу кунга қадар пландаги 2265 тонна ўрнига 2910 тонна «оқ олтин» сотилди. **План юз процентга етгунча тайёрлов пунктига фақат биринчи сортли пахта жўнатдик. Йиллик план хозиргача 130 процентга етди.**

Айниқса Меҳнат бирлик участкасида эришилган ютуқлар кишини қувонтиради. **Бу ерда 336 гектар ердан 26 центнердан ҳосил олинди. Кўриниб турибдики, яқиндагина областда энг қолоқ хўжалик бўлиб келган собиқ «Меҳнат бирлик» колхози бизга қўшилгач икки йил ичида ҳосилдорликни икки баравардан знёдроқ оширишга муваффақ бўлдик.**

Собиқ «Меҳнат бирлик» колхозининг аъзолари 1958 йили бир меҳнат куни эвазига янги пул билан 15 тийиндан ҳақ олган эдилар. Ўтган йили улар ҳар меҳнат кунига 1 сўм 10 тийиндан ҳақ олдилар. Ҳозирги хомчўтларга қараганда биз бу йил бир меҳнат кунига 1,5 сўмдан пул тақсимлаймиз. Колхозимизда пахтачиликдан олинадиган даромад йил сайин ўсиб бормоқда. 1958 йилда биз пахтачиликдан 325 минг сўм даромад олган эдик. Бу йил эса 745 минг сўм даромад қилиш кўзда тутилаяпти. Етиштираётган ҳосилимизнинг таннархи ҳам йилдан-йилга арзонлашиб бормоқда. Буни қуйидаги схемадан кўриш мумкин:

БИР ЦЕНТНЕР ПАХТА УЧУН САРФЛАНГАН ПУЛ ВА ОДАМ КУНИ

Йиллар	Пахта таннархи (сўм ҳисобида	Одам куни
1958	24,50	7,2
1959	22,50	4,5
1960	17,54	4,2
1961	16,80	4

Биз бу ютуқларга жонажон партиямизнинг, шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг пахтакорлар ҳақида тобора кўпроқ ғамхўрлик кўрсатаётганликлари туфайли эришаяпмиз.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ҳосилдорлиги 25 центнердан кам бўлган бирорта ҳам хўжалик бўлмаслиги лозим деган шиорни ўртага ташлади. Кўриб турибмизки, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилинса бу шиор ҳамма ерда шараф билан амалга оширилади. Чунки, ер туғанмас хазинадир. Ота-боболаримиз «сен ерни боқсанг, ер сени боқади» деб бечиз айтишмаган. **Биз 1962 йилда гектаридан 30 центнердан ҳосил олмоқчимиз.**

Бунинг учун биз асосан учта тадбирни амалга оширамиз. Бу тадбирлар, биринчидан, меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш, иккинчидан, экинни озиқлантиришда суюқ аммиакдан унумли фойдаланиш ва учинчидан, алмашлаб экишни изчил амалга оширишдан иборатдир.

Меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаб, кишиларни рағбатлантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Қуйидаги мисол бунинг ёрқин далили бўлаолади. Бу йил ўртоқ Ҳаво Дибердиева бошлиқ бригада 92 гектар ердан пландаги 21,7 ўрнига 41 центнердан ҳосил кўтарди. **Давлатга пландагидан ташқари 155 тонна пахта сотилди. Умумий йиғилишнинг қарорига мувофиқ ана шу пахтадан олинган даромаднинг 50 процентини бригаданинг 28 аъзосига тақсимлаб берамиз. Демак, ҳар бир колхозчи янги пул билан минг сўмга яқин қўшимча ҳақ олади.**

Колхозимизда илгари алмашлаб экишга етарли аҳамият берилмас эди. **Ўтган йилдан бошлаб ўндалали пахта-беда-маккажўхори алмашлаб экиш системасига ўтдик. Бир-икки йил ўтар-ўтмас бу тадбир ҳам ўз самараларини кўрсатабошлайди.**

Қаловини билсанг қор ҳам ёнади, дейдилар. Ҳар бир пахтакор, ҳар бир механизатор, ҳар бир раҳбар ишнинг кўзини билиб иш юритса кўзлаган маррасига шаксиз етади.

«ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ «МЕҲНАТ БИРЛИК» КОЛХОЗИ 1959 ЙИЛДА ҲАР ГЕКТАРИДАН 12 ЦЕНТНЕРДАН ПАХТА ОЛГАН ЭДИ. БУ КОЛХОЗ 1960 ЙИЛДА «III ИНТЕРНАЦИОНАЛ» КОЛХОЗИ БИЛАН БИРЛАШДИ. БУ ЙИЛ СОБИҚ «МЕҲНАТ БИРЛИК» КОЛХОЗИНИНГ ПАХТА ҲОСИЛИ ГЕКТАР БОШИГА 26 ЦЕНТНЕРГА ЕТДИ. КЎРИБ ТУРИБСИЗКИ, ПАХТА ҲОСИЛИ 2 ЙИЛ ИЧИДА ГЕКТАРИГА 12 ЦЕНТНЕРДАН 26 ЦЕНТНЕРГА ЕТКАЗИЛДИ».

Н. С. ХРУШЧЕВ.

12 ЦЕНТНЕРДАН 26 ЦЕНТНЕРГА

Омилбой ЁҚУБОВ,
«Меҳнат бирлик» участкасининг бошлиғи.

Ҳосилдорликни икки йил ичида икки баравардан знёдроқ оширишга қандай қилиб эришдик? Мен мана шулар ҳақида гапирмоқчиман.

Илгари кўпгина ишларга эътиборсизлик билан қараб келинган. Биз ишни ана шу эътиборсизликка барҳам беришдан бошладик. Бу нималардан иборат? Биринчи навбатда кузги шудгорлашдир.

Илгари ер ҳайдаш ишлари ҳатто март ойигача судралар, оқибатда тупроқнинг структураси бузилар эди. Биз ўтган йили куздаёқ ҳамма ерларни сифатли шудгорлаб қўйдик. Қиш ойларида далаларга етарли миқдорда гўнг ташиб чиқардик. Эрта баҳор бошланиши биланоқ ерни экишга сифатли тайёрлашга киришдик. **Илгари бу ерда ҳар бири 9—10 гектарлик 19 та майда карта бор эди. Ана шундай карталарнинг бир нечтасини қўшиб, иккита йирик карта вужудга келтирдик. Бу ишимиз гектарлардан тўла фойдаланишга имкон берди.**

Суғориш ишларини тўғри ташкил қилиш мақсадида кичик-кичик ариқларни йўқотиб, уларнинг ўрнига йирик карталарда вақтинча ўқариқлар қазидик.

Собиқ «Меҳнат бирлик» колхозида экишдан олдин ерга темир мола босилар эди. Бу мола кесакларни майдаларди-ю, лекин тупроқни зичлаштириб кетарди. Бу участканинг майдонлари оқ бўз тупроқли ерлардир. Шунинг учун биз бу йил экишдан илгари оғир мола бостирдик. Бу мола ҳам кесакларни майдалайди, ҳам ерни юмшатиб кетади.

«Меҳнат бирлик» колхозида олдин бир бригадага, кейин иккинчи бригадага чигит экиларди. Натижада экиш кампанияси 14—15 кунга чўзилиб кетиб, ғанимат фурсатлар қўлдан бой бериларди. Биз бу йил бундай қилмадик. **Ҳар бир бригадага иккитадан экиш агрегати бериб, чигитни ҳамма бригадаларнинг ерига бир вақтнинг ўзида экдик. Оқибатда экишни етти ишчи кунида сифатли тамомладик.**

Илгари ернинг намини етарли миқдорда сақлаб қолишга аҳамият берилмасди. Натижада ҳамма майдонларга чигит суви беришга мажбур бўлардик. Биз бу йил ердаги намни сақлаб қолишга алоҳида эътибор бердик.

Ғўза парваришининг дастлабки кунларидаёқ кўчатни тўла сақлаб қолиш тўғрисида қайғира бошладик. Колхоз правлениеси кўчатни тўла сақлаб қолганлар учун қўшимча ҳақ ажратди. Тракторчиларнинг иши доимо текшириб борилди. Натижа ёмон бўлмади. **Йиғим-терим арафасига келиб ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 85 минг туп кўчат сақлаб қолдик. Кўчатни тўла сақлаб қолганликлари учун тракторчилардан Т. Исмоилов, М. Қурбонов, Х. Тожибоев ўртоқларга қўшимча ҳақ тўланди.**

Бутун ёз фасли давомида ғўзаларимизни алоҳида меҳр билан парвариш қилдик.

Эрта кузга келиб барча далаларимизда мўлжалдагидан ҳам мўл ҳосил етишди. Бу ерларнинг тарихида ҳали бунчалик ҳосил етиштирилганини ҳеч ким эслайолмайди. **Мана, ҳозирги кунга келиб ҳар гектар ердан 26 центнердан, яъни 1959 йилдагига нисбатан 14 центнер кўп «оқ олтин» ҳосили йиғиб-териб олдик.**

Партиямизнинг пахта ҳосилдорлиги 25 центнердан кам бўлган бирорта ҳам хўжалик бўлмаслиги лозим деган шиорига жавобан пахтакорларимиз келгуси йили ҳар гектар ердан кам деганда 30 центнердан «оқ олтин» ундиришга бел боғлаб, ҳозирданоқ ишга киришдилар.

Суратда: «Меҳнат бирлик» участкасида кузги шудгорлаш пайти.

МЕХАНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ БИЛАН

Ғани КАРИМОВ,
1-участка механиги.

Деҳқонларнинг чин дўсти ўртоқ Н. С. Хрушчев пахтакор республикалар қишлоқ хўжалик ходимларининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида сўзлаган нутқида бундай деди: **«Механизациялаш пахтачиликни ривожлантиришнинг туб масаласидир. Колхоз ва совхозлар пахтачилик юзасидан ўтказилган маълум кенгашлардан кейин айрим ютуқларни қўлга киритдилар. Эндиликда квадрат-уялаб чигит экиш усули кенгроқ кўламда қўлланилмоқда, кўпчилик хўжаликларда кетмон машина билан алмаштирилди, пахта терадиган анча мукаммал техника яратилди».**

Бизнинг хўжалигимизда ҳам йил сайин кетмон ўрнини қудратли машиналар эгалламоқда. Биз пахтачиликни комплекс механизациялаш борасида бирмунча ишлар қилаяпмиз. Колхозимизда 11 та ҳайдов, 18 та ДТ-24, 6 та универсал тракторлари, 3 та ХВС-1,2 пахта териш машинаси, 10 та кўсак чувиш машинаси ва бошқа хил машиналар бор.

Пахтачилик соҳасида бу йил эришган катта ютуқларимиз механизация туфайлидир. Бу йил чигит экишни 9 кунда тугаллашга муваффақ бўлдик. Ёз бўйи ғўза қатор ораларини икки томонига ишладик. Йиғим-терим даврида мавжуд пахта териш агрегатларини ва кўсак чувиш машиналарини ишга солиб юбордик. Механик-ҳайдовчиларимиз ўз машиналари билан 327 тонна «оқ олтин» териб бердилар ва машина терими планининг муваффақиятли суратда бажарилишини таъминладилар. Ҳосилимизнинг 1035 тоннасини давлат омборларига қоп-қанорсиз элтиб бердик.

Шу кунларда биз келгуси йил мўл ҳосили учун пахта замин тайёрлаяпмиз.

Колхозимизнинг механизаторлари партиямизнинг тарихий XXII съезди ва пахтакор республикалар қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши белгилаб берган муҳим вазифаларни амалга ошириш учун бундан кейин ҳам куч-қувватларини аямасдан фидокорлик билан меҳнат қиладилар.

ҒЎЗАНИ БИЛИБ СУҒОРИШ КЕРАК

Мусамат ТУРҒУНБОЕВ,
«Меҳнат бирлик» участкасининг сувчиси.

□ □ □

Суғоришнинг қулай ва фойдали йўлларини қўллаш ҳосилдорликни кескин даражада оширишга имкон беради. Мен бир неча йиллардан бери сувчилик қиламан. Иш давомида сувни тежаб-тергаб сарфлаш, шу билан бирга ғўзаларни қондириб суғориш ҳақида ўйлайман.

Бу йил колхозимизнинг ҳамма майдонларига пахтанинг «47-27» навли уруғи экилди. Бу нав «108Ф» навига қараганда сувни кўпроқ талаб қилади. Шунинг учун биз эрта баҳордан бошлаб ғўзаларимизни эгат ташлаб суғора бошладик. Эгат ташлаб суғоришда қийинчилик кўп. Нега? Чунки, биринчидан, кўп миқдорда сув тежаб қолинади, иккинчидан, ҳамма карталардаги ғўзалар бир меёрда суғорилади.

Биринчи суғоришда бир эгатга сув жилдиратган бўлсак, навбатдагисида унинг ёнидаги эгатга сув қўйдик. Натижада ҳар қайси эгатдаги тупроқ бир суғоришдан иккинчи суғоришгача бўлган даврнинг ичида қуёш нурида қизиб, ғўзалар соғлом ривожланди. Эрта кузга келиб ҳамма карталардаги пахталар бирваракайига пишиб етилди.

Натижада йиғим-терим ишлари биринчи кунларидаёқ қизғин тус олиб кетди. **Кунига йиллик планнинг 2,5—3, баъзи кунлари эса 4 процентга миқдорида пахта топшира бошладик ва колхозимиз бўйича 38 ишчи кунида йиллик пахта тайёрлаш планини шараф билан бажардик.**

Жонажон партиямиз биз пахтакорлар олдига ҳосилдорликни бундан кейин янада ошириш вазифасини қўймоқда. Келажакда биз пахта ҳосилдорлигини ошириш учун куч-қувватимизни сира аямасдан меҳнат қиламиз.

ЎЛУСТЛИК РАМЗИ

Чўққилари осмон билан ўпишган, ўркачларига оппоқ қор тўшалган Паркент тоғлари яқинида ажойиб бир колхоз бор. Бу хўжаликка «III Интернационал» деб ном беришган. Ҳа шундай! 10 миллат фарзандларидан иборат аҳил оиласи бор хўжаликка берилган ном ўзига муносиб. Чин дўст тутишганинг билан тенг деганларидек, бу оиланинг аъзолари ака-ука, опа-сингил бўлиб кетишган. Уларнинг бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлиб, ҳамкорликда бойлик яратаётганликлари кишини қувонтиради.

Халқимизнинг «Элга эл қўшилса — давлат» деган ҳикматли сўзи бу ерда ўз ифодасини топган. Ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, татар, тожик элининг фарзандлари елкама-елка турib, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаяптилар. Улар тўй-мишда хароба кулбалар-у, чор деворлардан бўлак мулки бўлмаган қишлоқни обод, гуллган бир қишлоққа айлантирдилар. Революциядан илгари бир парча ерга эга бўлолмай, бойлар эшигида хору-зор бўлган деҳқонларнинг ўғил-қизлари, набиралари бугун тўқ, бадавлат оила қурганлар...

Мана, колхознинг бепоён далалари. Олтин кузнинг сўнгги кунларида ҳам ҳаво очиқ, кўкда булутлар кўринмайди. Кумуш қорли тоғдан эсаётган куз шабадаси, ариқлардан шилдираб оқаётган зилол сув кишига ором бахш этади. Ҳў, қўшни пайкалда қудратли тракторнинг овози парвоз этаяпти. Биз ўша карта томон йўл олдик. Моҳир механизатор Эргаш трактор рулини маҳкам ушлаб, ер кўксини тилаяпти. Плуг кетидан пайдо бўлаётган қора лента лар тобора кенгайиб бормоқда. Колхоз бош агрономи Йўлдош ака трактор кетидан юриб шудгорнинг сифатини кўздан кечириб юрарди. Ўрта ёшлардаги, қотмадан келган, жиккаккина юзлари саратон офтобида қорайган бу қозоқ йигитини колхозчилар «қутлуғ агроном» деб аташади. Уларнинг бу гапида жон бор. Йўлдош ака шу пайтгача қайси хўжаликда ишлаган бўлмасин, ўша ерда ҳосилдорлик ошиб борган. Камҳосилли Меҳнат бирлик участкасининг ҳосилдорлигини икки йил ичида икки баравардан знёдроқ оширишда ҳам Йўлдош аканинг қўшган ҳиссаси катта бўлди.

Биз унга яқинлашдик. Одатдаги салом-аликдан сўнг Йўлдош ака қўлидаги темир чизғични ерга санчиб кўрди. Чуқурлик 25 сантиметр. Бу ҳолни кўриб унинг жаҳли чиқди. Қўл кўтариб картанинг нариги чеккасидан қайтиб келаётган трактор чи тўхтатди.

— Ҳой Эргаш, қани буёққа тушчи.

— Нима бўпти, — деди Эргаш трактордан тушаркан.

— Бу нима қилганинг? Ишнинг пировардида шошма-шошарлик йўлига ўтиб олдингми? Плуг ерга бир текис ботмаяптику!

Эргаш қилмишидан уялиб кетди шекилли, ҳеч нарса дей олмади. Йўлдош ака бориб плугни текширди. Ҳақиқатан ҳам унинг олдинги икки тиши беш сантиметрдан кўтарилиб қолибди.

— Қалай энди, Йўлдош ака?

— Жуда соз!

— Зап меҳнаткаш йигит-да, — деди Йўлдош ака унинг орқасидан қараб қоларкан, — ҳайдаган ерлари бир юз эллик гектарга яқинлашиб қолди!

— Бу йил шудгорлашни анча барвақт тугаллаяпсизлар чамаси?

— Бир минг икки юз гектардан ошиб қолди. Зўр берсак бугун тугатамиз. Ота-боболаримиз «Деҳқоннинг хазинаси — ер. Тўкилса маҳлиё теринг, унумли бўлар еринг» дейишади. Еримизни яна ҳам унумлироқ қилиш учун ҳозирдан бошлабоқ ишга қаттиқ киришдик. Ахир, келгуси йили колхозимиз бўйича кам деганда 30 центнердан ҳосил кўтаришга сўз берганмиз-да.

Шу пайт ёнимизга ўрта ёшлардаги, тўлачадан келган бир аёл келиб қолди.

— Мана, танишинглар, — деди Йўлдош ака, — энг юқори ҳосилли бригадамизнинг бошлиғи Ҳаво Дибердиева шу киши бўладилар.

Ҳаво опа биз билан самимий сўрашди. Бироздан сўнг ўртада қизғин суҳбат бошланиб кетди. Бригадир ўз пахтакорларининг шижоатли меҳнатлари, ғайрат-ташаббуслари ҳақида гоҳ тўлқинланиб, гоҳ жиддий тусга кириб ҳикоя қиларди.

— Бу йил кўтарган хирмонимиз ҳаммани ҳам хурсанд қилди. Ахир, бу ерлар тарихида ҳали бирон йил ҳам 41 центнердан ҳосил кўтарилмаган-да. Бундай ҳосил кимни қувонтирмайди дейсиз. Айниқса ўз пахтакорларимизнинг севинишганини айтмайсизми. Уларнинг ҳар бири ҳисобига ўн икки тоннадан ортиқ «оқ олтин» етиштирилди. Колхозимиз правлениеси бажарилган ишнинг салмоғи ва сифатига қараб қўшимча ҳақ тўлаб, жуда соз иш қилаяпти. Мана, қаранг, биргина бизнинг бригадамизнинг ҳар бир аъзоси янги пул билан минг сўмга яқин қўшимча ҳақ олди. Бу тадбир бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб юборди. Биз келгуси йили гектар бошига кам деганда 45 центнердан ҳосил ундириш учун ҳозирданоқ бел боғлаб ишга киришдик.

Ҳаво опа ерга тикилиб, хаёлга чўмди. Ким билади дейсиз, балки у ҳозир келгуси йил мавсумини ўйлаётгандир. Баракали хирмон тепасида чеҳраларидан шодлик аломатлари аримаётган пахтакорлар, механизаторларни кўз ўнигга келтираётгандир...

Ўша куни роса дала кездик. Қаёққа бормайлик келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин тайёрлаш учун бутун вужуди билан ишга киришган фидокор пахтакорларга дуч келдик. Ҳа, ҳақиқий пахтакор шундай қилади, келгуси йил ташвишини ҳозирданоқ торта бошлайди. Ахир, барвақт қилинган ҳаракат, ҳосилга берар баракат, деб бекорга айтишмаган-ку!

Азамат пахтакор! Бугун партиямиз, она-Ватанимиз яна ҳам кўпроқ «оқ олтин» етказиб бер, деб сенга мурожаат қилаяптилар. «Оқ олтин» дурдоналари яратишдек олийжаноб ишда муносиб ҳиссанг бўлсин! Сен эришган ғалаба фақатгина сенинг хонадонингга эмас, балки чорвадорлар, ғаллакорлар, ишчилар, зиёлилар хонадонига ҳам бахт, шодлик, ўйин-кулги киритади. Сен кўтарган баракали хирмон Ватанимиз куч-қудратининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.
З. МУҲАММАДЖОНОВ.

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети меҳнаткашларнинг истакларини қўллаб, дам олиш кунини 1961 йил 3 декабрь якшанба кунидан 4 декабрь душанба кунига кўчиришга қарор қилди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Р. 01173. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Нашр. В. 1737.